

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАҲМОНОВ ҒАФФОРЖОН РЎЗМАТОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛУҒАВИЙ СИНОНИМИЯ ВА
ГРАДУОНИМИЯНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Рахмонов Гаффоржон Рўзматович

Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро

муносабати 3

Rahmonov Gafforjon Ruzmatovich

The interaction of literal synonymy and graduonymy

in the Uzbek language..... 25

Рахмонов Гаффорджон Рузматович

Взаимоотношения между лексической синонимией и

градуонимией в узбекском языке 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

Иловалар

Приложение

Appendix 50

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАҲМОНОВ ҒАФФОРЖОН РЎЗМАТОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛУҒАВИЙ СИНОНИМИЯ ВА
ГРАДУОНИМИЯНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.Fil/PhD.387 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич,
филология фанлари доктори, профессор**

Расмий оппонентлар:

**Усмонова Хуриниса Шараповна
филология фанлари доктори**

**Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна
филология фанлари номзоди, доцент**

Етакчи ташкилот:

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2019 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида объектив олам ва тафаккур қонуниятларига асосланиб илмий изланишлар олиб бориш давр талабига айланди. Маълумки, объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар узлуксиз ўзгаришда, шунинг учун ҳам улар миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Албатта, бу жараён ва муносабатлар инсон тафаккури ҳамда тилида акс этади. Объектив нарса ва унинг хусусиятлари асосида шаклланувчи тушунчалар, бир тушунчалардан бошқаларининг ҳосил қилиниши, улардаги айнанлик ва фарқлилик, тил синонимияси ва градуонимияси ҳодисаларининг асосини ташкил этади. Шунинг учун сўнгги йиллар тилшунослигида сўзлараро маъновий муносабатлар доирасини ўрганиш кенгайиб, маънодошлик, зид маънолилик ҳодисалари тадқиқи билангина чекланиб қолмасдан, маъновий даражаланиш (градуонимия) ҳодисасининг ҳам лисоний-луғавий тизимда мавжудлиги қайд этилди.

Дунё тилшунослигида ўтган асрдан бошлаб тилни ўрганишга антропоцентрик ёндашувнинг юзага келиши тил ва унинг соҳиби, тил ва жамият, маданият, тафаккур кабилар муносабатини ўрганаётган замонавий йўналишларда бевосита тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларга дуч келинмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тил бирликларининг шаклий жиҳатлари тадқиқи билан бир қаторда, мазмуний хусусиятлари ҳам тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ торта бошлади. Жумладан, лингвистикада лексема семантикасидаги айнанлик ва фарқлилик муносабатини ифодаловчи конструкцияларнинг қиёсий таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, функционал-семантик категория сифатида мураккаб шартланиш муносабати асосига қурилган айнанлик ва фарқлилик муносабатини ифодаловчи лексемаларнинг қандай лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиши ҳамда уларни семасиологик жиҳатдан пухта ўрганиш муҳим муаммо сифатида тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда республикамызда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда туб ислохотлар ўтказилаётган бир даврда ўзбек тилшунослигида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалар кўзга ташланмоқда. Дарҳақиқат, “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”¹. Бугунги тил тадқиқига янгича ёндашувлар даврида ўзбек тилшунослигида ҳам тил бирликларининг семантик муносабатида намоён бўлувчи айнанлик ва фарқлилик муаммосини семасиологик аспектда текшириш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда, айниқса, сўзлараро маъновий даражаланиш ва унинг градуал

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь, №258.

синонимияга муносабатини ўрганиш долзарб муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-304-сон қарори; 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида сўзлараро маъновий даражаланиш муносабатларининг мавжудлиги дастлаб О.Есперсен, Л.В.Щерба, С.Д.Кацнельсен, О.С.Ахманова, В.Г.Гак, В.М.Солнцев, Ю.Д.Апресян, Ю.С.Степанов, Н.И.Кондаков, Ф.де Соссюр каби тилшуносларнинг илмий ишларида қайд этилган бўлса, кейинчалик А.А.Уфимцева, Л.А.Новиков, Э.Сепир, Э.Н.Миллер² ва бошқа тилшунослар бу назарияни янада ривожлантирдилар.

Ўзбек систем-структур тилшунослигида ҳам тил бирликлари орасида кузатиловчи маъновий-функционал муносабатларни ўрганишга жиддий аҳамият берилди. Бу муаммога ўз вақтида муносабат билдирган “Лексик

² Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. – С.375; Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т.I. – Л., 1958. – С. 35-36; Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.: Л.:Наука, 1965. – С. 81-83; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966.- С.369; Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. – М., 1971. Т. 1.- С.95; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.:Наука,1971. – С.45; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М.:Наука, 1974.- С.368; Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М., 1975. – С. 38; Кондаков Н.И. Логический словарь – справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975. – С. 596; Соссюр. Ф.Д. Труды по языкознанию.- М., 1977. – С.141; Уфимцева А.А. Аспекты семантических исследований. – М.:Наука, 1980. – С.356; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ, 1982. – С.116; Сепир Э. Градуирование. НЗЛ. Выпуск XVI лингвистическая парадигма. – М., 1985. – С. 504; Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц.// Филологические науки.- М., 1987. №6. – С. 44-49.

микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари)” мақоласи муаллифлари луғавий бирликлар орасидаги градуонимик, гипонимик, партонимик, функционимик муносабатларни тадқиқ этиш долзарб масала эканлигини қайд этишди³. Бугунги кунга келиб ўзбек тилшунослигида градуонимия⁴ ва лексик синонимиянинг умумий масалалари чуқур ўрганилган⁵. Аммо синонимик қаторларда градуонимиянинг воқеланиши муаммоси монографик аспектда махсус тадқиқ этилган эмас.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги предмет ва белги билдирувчи синонимик қаторлар мисолида градуонимиянинг воқеланиш ҳодисасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

градуал синонимия тадқиқи доирасида синонимиянинг анъанавий ва замонавий талқинларига муносабат билдириш;

лексемалар семантикасида мавжуд айнанлик ва фарқлиликларни аниқлаш;

синонимик қаторда фарқланишга асосланган зиддиятларнинг градуонимияни ҳосил қилувчи омил эканлигини исботлаш;

лексик синонимия ва градуонимия ҳодисаларининг ўзаро алоқа-муносабатини белгилаш;

предмет ва белги ифодаловчи лексемалар қаторида градуал синонимиянинг юзага келиши қонуниятларини очиқ бериш.

Тақиқотнинг объекти сифатида “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”⁶ ва “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”⁷ да берилган лексик

³ Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. № 6. – 35-50 б.;

⁴ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003; Ширинова.Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009; Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016; ва бошқалар.

⁵ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – Б.18; Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. – 55 б.; Гиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. Монография. – Тошкент, 2008. – С.138; Жумаева Ф. Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи: Фалс. фан. докт. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – Б. 53. ва бошқалар.

⁶ Ҳожиёв А. Кўрсатилган луғат. – Б. 307.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.

бирликлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги лексик синонимларнинг градуонимик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг методологик асосини диалектиканинг миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор қонунлари, бутун-бўлак, шакл-мазмун, умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик, сабаб-оқибат каби категориялар ташкил этади. Тилшуносликда бугунга қадар қўлга киритилган семантик таҳлил билан алоқадор ютуқлар изланиш учун назарий манба бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотда систем-структур тилшуносликнинг тавсифлаш, зидлаш, семик таҳлил усуллари билан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек тили синонимик қаторларининг айнанлик, фарқлиқ ҳамда градуонимик каби семантик-структур хусусиятлари очиқ берилган;

градуал синонимлардаги фарқловчи семалар аниқланиб, уларнинг маъновий даражаланиш ҳодисаси билан боғлиқлиги асосланган;

луғавий синонимия ва градуонимия ҳодисаларининг ўзаро алоқамуносабати белгиланган;

айрим сўзларнинг маъно муносабатида синонимия билан бир вақтда градуонимиянинг ҳам амал қилиши далилланган;

предмет ва белги ифодаловчи 436 та синонимик қатордан 149 тасида градуал синонимларнинг даражаланиш хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Диссертация материалларидан “Тилшунослик назарияси”, “Семасиология”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанларидан маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарларни ташкил этишда, филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарслик, ўқув қўлланмалари, амалий тавсияларни яратишда фойдаланиш мумкин;

диссертация материаллари ва чиқарилган хулосалар синонимия, градуонимия ҳамда лексик семантикага оид билимларни бойитиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилганлиги, материалларнинг объективлиги, тадқиқ асосининг методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот материаллари ва хулосалари синонимия назариясини янада ривожлантириш, синонимик қаторлар семантикасини атрофлича ўрганиш, градуонимия ҳақидаги қарашларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан янги типдаги синонимик ҳамда градуонимик луғатларни тузишда амалий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация материаллари олий ўқув юртларининг филология факультетларида лексик семантика масалалари бўйича амалий машғулотларни ташкил этишда асқотади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш натижаларидан: “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари” фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасининг лотин ёзувидаги кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” йўналишида фойдаланилган (3/1255-988-сон маълумотномаси). Натижада луғат сўзликларида айрим синонимларнинг маъноларини изоҳлашда фойдаланилди;

тадқиқотдаги градуонимик бирликлар ҳақидаги назарий хулосалардан “Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати” инновацион илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (3/1255-988-сон маълумотномаси). Натижада айрим энантиосемик бирликларнинг маъносини изоҳлашда фойдаланилган;

ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабатини ўрганиш материалларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 1 апрелдаги “Адабий муҳит” кўрсатуви сценарийсини яратишда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 22-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материаллар янги қарашлар асосида мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманда, 2 та халқаро конференцияда маъруза шаклида баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг «**Градуал синонимларни ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида лексемани семантик жиҳатдан компонент таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда синонимияни сема асосида таърифлашга, синонимик қаторда айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилишини очишга ҳамда дифференцияларга таянган ҳолда лексик синонимия ва градуонимиянинг нисбий мустақиллиги, ўзаро алоқасини ўрганиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Жаҳон тилшунослигида сўзлараро маъновий даражаланиш муносабатларининг мавжудлиги дастлаб О.Есперсен, Л.В.Щерба, С.Д.Кацнельсен, О.С.Ахманова, В.Г.Гак, В.М.Солнцев, Ю.Д.Апресян, Ю.С.Степанов, Н.И.Кондаков, Ф.де Соссюр каби тилшуносларнинг илмий ишларида қайд этилган бўлса, кейинчалик А.А.Уфимцева, Л.А.Новиков, Э.Сепир, Э.Н.Миллер, Б.А.Булгарова, П.П.Березницкая⁸ ва бошқа тилшунослар бу назарияни янада ривожлантирдилар.

Синонимлар тадқиқиқа бағишланган ишларнинг сони кўплигига қарамай, уларда бу ҳодисага берилган таърифларнинг хилма-хиллиги кўзга ташланади.

Ўзбек тилшунослигида синонимларга берилган таърифларга эътибор берилса, уларни белгилашда дастлаб лексемаларнинг маъно жиҳатдан бир хиллигига⁹, сўнгра маъноларнинг умумийлиги¹⁰, кейинчалик эса маъновий

⁸ Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. – С. 375; Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т.1. – Л., 1958. – С. 35-36; Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М. – Л.: Наука, 1965. – С. 81-83; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966. – С.369; Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. – М., 1971. Т. 1. – С.95; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. – С.45; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М.: Наука, 1974. – С.368; Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М., 1975. – С. 38; Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975. – С. 596; Соссюр, Ф.Д. Труды по языкознанию. – М., 1977. – С.141; Уфимцева А.А. Аспекты семантических исследований. – М: Наука, 1980. – С.356; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ, 1982. – С.116; Сепир Э. Градуирование. НЗЛ. Выпуск XVI лингвистическая парадигма. – М., 1985. – С. 504; Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц.// Филологические науки. – М., 1987. №6. – С. 44-49., Булгарова Б.А. Градуальная организация текстового семантического поля «смех» (на материале произведений М.А.Булгакова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 23 с., Березницкая П.П. Типология и структура градуальных полей в русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2004. // <http://www.dissercat.com/content/tipologiya-i-struktura-gradualnykh-polei-v-russkom-yazyke>

⁹ Жуманиёзов Р. Синонимлар таърифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. № 1. – 35 б.

¹⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 4-10 б.

ўхшаш (айнан)ликка¹¹ асосланилганлиги кузатилади. Синонимияга берилган дастлабки таърифларнинг аксариятида синонимлар лексемалар ифода этган маъноларнинг айнан бир хиллиги асосида белгиланган.

Ўтган асрнинг 70-йилларига қадар ўзбек анъанавий тилшунослигида синонимия ҳодисасига мана шу ёндашув асосида тавсиф бериб келинди. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг кейинги босқичларида синонимияга бўлган ёндашувлар ҳам ўзгарди. Анъанавий тилшуносликда синонимияга берилган таърифларнинг изчил эмаслиги, муаммо моҳиятини тўлиқ қамраб олмаслиги маълум бўлди.

Синонимия ҳодисаси тадқиқига бағишланган кейинги тадқиқотларда “маъноси айнан бир” таърифидан воз кечилди, синонимияда кузатиловчи маъновий фарқларга, услубий хосланиш белгиси, коннотациянинг ифодаланиши каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратила бошланди.

Ўзбек тилшунослигида синонимларни семик таҳлил қилиш орқали уларнинг маъновий фарқланиши масаласини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Ш.Раҳматуллаевнинг бу муаммо таҳлиliga оид мақоласида синонимияни белгилашда лексик маънонинг бўлиниши, унинг таркибий қисмлар, яъни семемалардан иборат эканлигини ҳисобга олиш лозимлиги кўрсатилди¹².

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам сўзнинг семантик структураси семик таҳлил асосида ўрганила бошланди. Бу муаммо бўйича Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Р.Расуловларнинг назарий қарашлари майдонга келди¹³. Уларнинг ишларида *сўзнинг семантик структураси, семема, сема, номема* тушунчаларига ойдинлик киритилди. Семани ҳосил қилувчи маъно бўлаклари (семеманинг таркибий қисмлари)нинг сема эканлиги асослаб берилди¹⁴.

Тил бирликлари муносабатида қайд этилувчи айнанлик ва фарқлилик тамойили луғавий синонимлар қаторида ҳам кузатилади. Тилшунос О.Бозоров сўзнинг (лексеманинг) мазмун томонига ҳам, моддий томони (шакли) ҳисобланувчи товуш томонига ҳам ўзгариш, ривожланиш, демак, ўзгаланишлар хослиги, шу асосда янги шаклланмаларнинг (лексема турларининг) вужудга келиши табиий бир ҳол эканлигини қайд этиб, бу жараёни чизмада қуйидагича тасвирлайди:

Мазмун (маъно): айнанлик → фарқлилик → зиддият.

Шакл (товуш қобиғи): айнанлик → фарқлилик → зиддият¹⁵.

¹¹ Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. №5. – 55 б.

¹² Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган мақола. – 56 б.

¹³ Раҳматуллаев Ш. Семема – мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. №5. – 80 б.; Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросемема ва унинг тадқиқ методикаси. Систем лексикология тезислари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. – №6. – 35-50 б.

¹⁴ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 57 б.

¹⁵ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1999. – 29 б.

Эътибор берилса, лексемаларга хос айнанлик уларнинг зидланиши учун асос бўлган белги – фарқлиликка томон ўсиб боради.

Бу ўринда синонимик қаторда парадигма аъзоларига хос бўлган умумий маъно, яъни айнанлик билан бир вақтда, уларни бир-биридан фарқлаб турувчи ҳамда зиддиятга асос бўлувчи фарқлиликларнинг ҳам мавжуд бўлишини эътироф этиш лозим. Албатта, бу ҳолатни барча турдаги синонимик қаторларга бирдай хос жиҳат деб бўлмайди.

Айнанлик – нарсанинг ўзига ўзи тенглиги, унинг маълум сифат ва миқдор белгилари ўлчамида маълум шакл ва мазмун мутаносиблигида намоён бўлиб, фарқлилик билан узвий алоқада шаклланишига замин ҳозирлайди¹⁶.

О.Бозоров бу ҳақда фикр юритар экан, фарқлилик айнанлик доирасидаги нозик ўзгаришларнинг бевосита кучайиб, ривожланиб бориши натижасида предметнинг нисбий ўзгачалик хусусиятларини касб эта бориш ҳолати эканлигини, у, бир томондан, айнанлик ҳолати, иккинчи томондан, зидлик (бошқалик, бошқа нарсаларга айланиб бўлганлик) кўриниши билан боғлиқ бўлган оралиқ шаклланиш эканлигини таъкидлаб, бунга тилдаги синонимия, полисемия ҳодисалари билан боғлиқ бўлган тил бирликлари мисол бўла олишини кўрсатади¹⁷.

Демак, фарқлилик зиддиятга йўл очувчи, уни юзага келтирувчи белги. Фарқлилик айнанлик замирида юзага келар экан, бу икки жиҳат диалектик алоқада. Зидлилик айнанликдан сифат ўзгаришлар натижаси ўлароқ ўсиб чиқар экан, бу жараёнда янги бир моҳиятнинг юзага келиши содир бўлади. Э.Н.Миллернинг қарашларига кўра, зидлилик айнанликнинг диалектик инкори, айнанликнинг ноўхшаш кўринишидир. Зидлилик айнанликдан вариантлилик, фарқлилик орқали (тадрижий “сакраш” йўли билан) ҳосил бўлган бошқа айнанлик, яъни янги нарса бўлиб, ўзидан кейинги “занжирли” жараённинг (айнанлик → фарқлилик → зидлилик) дастлабки халқасини ҳосил қилади¹⁸.

Лексемалар муносабатидаги ўзаро фарқланиш тамойили, айниқса, антонимик бирликларда ёрқин кўзга ташланади. Кўпинча антонимик қаторларда оралиқ ҳолат қайд этилади. Масалан, *тун*→*сахар*→*кун* антонимик қаторида *сахар* лексемаси; *яхши*→*қониқарли*→*ёмон* антонимик қаторида эса *қониқарли* лексемаси оралиқ мавқени эгаллайди. Бошқача айтганда, тун ва кун ўртасида сахарнинг мавжудлиги ёки яхши ва ёмон ўртасида қониқарли ҳолатнинг ҳам кузатилиши бу типдаги антонимик бирликлар жуфт ҳолатда бўлмаслиги, уларда учинчи, яъни оралиқ мавқеда турувчи бирликнинг ҳам мавжуд бўлишини кўрсатади.

¹⁶ Бу ҳақда қаранг: Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975. – С. 596.

¹⁷ Бозоров О. Кўрсатилган асар. – 31 б.

¹⁸ Бу ҳақда қаранг: Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц // Филологические науки. – М., 1987. №6. – 44-49 с.

Оралик учинчининг юзага келиши бу типдаги антонимик қаторларда даражаланиш муносабатини юзага келтиради.

Худди шундай, синонимлар қаторида ҳам оралик ҳолатнинг мавжуд бўлиши фарқлиликка сабаб бўлиб, зидланиш муносабатини юзага келтиради. Масалан, *қоронғи* → *зимистон* → *зим-зиё* синонимик қаторида *зимистон* бирлиги оралик мавқени эгаллайди. Ёки *нурли* → *ёруғ* → *нурафшон*. синонимик қаторида *ёруғ* лексемаси оралик ҳолатда туради.

Бундай вазиятда лексик birlikлар англатган маънода белгининг даражаланиши юзага келади. Натижада синонимик қаторнинг бошланғич аъзолари ўртасида белги даражасига кўра кучли зиддият юзага келади. Жумладан, *қоронғи* ва *зим-зиё* лексемаларида акс этган қоронғилик белгисининг кучли даражадаги фарқи бу лексемаларнинг даража белгисига кўра зиддиятга киришувини англатади. Худди шундай, *нам* → *ҳўл* → *шалаббо* синонимик қаторида *ҳўл* лексемасининг таъсирида юзага келган даражаланиш оқибатида *нам* ва *шалаббо* лексемалари муносабатида зиддият юзага келади.

Англашиладики, нафақат антонимик муносабатдаги қаторларда, балки синонимик қаторларда ҳам (айниқса, белгининг миқдорий фарқланиши англатувчи синонимлар қаторида) оралик ҳолатларнинг юзага келиши бу типдаги лексемалар муносабатида градуал синонимиянинг шаклланишига олиб келади.

Градуал синонимия тил сатҳида фарқлиликни ёрқин акс эттирувчи лисоний ҳодисадир. Б.А.Булгарова қайд этганидек, градуал синонимиянинг асосини баҳо ва градицион белгининг даражаланишидаги фарқлилик ташкил этади¹⁹.

Градуал синонимиянинг характерли жиҳати шундаки, унда айнанликлар сирасида миқдорий фарқлилик юзага келади. Бошқача айтганда, лексик сатҳ birlikларига хос айнанликлар орасидан фарқланишлар ажралиб чиқади. Бу ҳолат синонимик сатҳда градуонимиянинг шаклланишига йўл очади. О.Бозоровнинг фикрича, луғавий градуонимия семантикаси изчиллигининг туб асосини материянинг бир турдан иккинчи турига, шунингдек, бир тур ичидаги бир нисбий ҳолатдан иккинчи хил кўринишга узлуксиз ўтиш, айланишларнинг луғавий номинацияда инъикос этиши этади²⁰.

Англашиладики, лексик сатҳдаги градуал синонимия айнанликларнинг фарқлиликка ўтиш жараёнини акс эттиради. Градуал синонимик қаторга хос муҳим жиҳат шундаки, унда айнанлик белгисига нисбатан фарқлилик белгиси устуворлик қилади.

Дунё тилшунослигида тил birlikлари муносабатида кузатилувчи бу каби фарқлилик тамойили, хусусан, даражаланиш ҳақидаги қарашлар анча илгарироқ юзага келган. Тил birlikлари муносабатида кузатилувчи

¹⁹ Булгарова Б.А. Градуальная организация текстового семантического поля «смех» (на материале произведений М.А. Булгакова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – С. 19.

²⁰ Бозоров О. Кўрсатилган асар. – Б.70.

даражаланиш ҳодисаси илк бор Н.С.Трубецкой томонидан фонологик сатҳдаги зидланишлар муносабатини тадқиқ этишга бағишланган асарида муносабат билдирилган²¹. Кейинчалик бу муаммо Э.Сепир, Д.Болинджер томонидан предмет, ҳодисаларга хос белги, хусусиятларнинг даражаланишини акс эттирувчи функционал-семантик категория сифатида ўрганилган²².

Рус тилшунослигида бу муаммо С.М.Колесникова, М.В. Бондаренко, Б.А.Булгарова, П.П.Березницкаялар томонидан функционал-семантик категория, мазмуний майдон сифатида монографик аспектда махсус тадқиқ этилган²³.

Ўзбек тилшунослигида бу масалалар таҳлиliga илк бор Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар томонидан ёзилган “Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари)” номли мақоласида муносабат билдирилди²⁴.

Ўзбек тилшунослигида градуонимия ҳодисасининг предметлик ва белги-хусусият тушунчасини англатувчи лексемалар семантик қаторида ҳам кузатилиши, уни ҳосил қилувчи воситалар, бу турдаги градуонимик қаторда коннотациянинг ифодаланиши кабиларга градуонимия тадқиқига бағишланган айрим ишларда қисқа тавсиф бериб ўтилган²⁵. Аммо бу ишларда предмет, белги-хусусият ёки бошқа умумий маънолар остида бирлашувчи лексемаларнинг градуал синонимияни ҳосил қилиши муаммоси махсус ўрганилмаган. Жумладан, О.Бозоровнинг “Ўзбек тилида даражаланиш” мазуидаги тадқиқот ишида лисоний даражаланиш муаммосининг вужудга келиши, назарий масалалари таҳлил қилинган, даражаланиш ҳодисаси тилнинг фонологик, лексик, морфологик, синтактик сатҳларида текширилган. Олим луғавий даражаланишни предметлик, белги-ҳолат, саналувчи миқдор, ҳаракат, ҳаракатнинг белгисини англатувчи лексемаларда; тақлидий ва тасвирий лексемалар, ундов ҳамда модал маъноли лексемаларда; шунингдек, қўмакчи, боғловчи, юкламалар мисолида очиб

²¹ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Изд-ство иност. лит., 1960. – 371 с.

²² Sapir E. Grading: A Study in Semantics. In D.G.Mandelbaum (ed), Selected Writings of Edward Sapir in Language, Culture and Personality. Berkeley: University of California Press, 1963. – Pp. 122-149; Bolinger D. Degree Words. Hague, Netherlands: Mouton, 1972. – 282 p.

²³ Колесникова С.М. Категория градуальности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1999; Колесникова С.М. Функционально-семантическая категория градуальности в современном русском языке. – М.: Высшая школа, 2010. – 279 с.; Булгарова Б.А. Градуальная организация текстового семантического поля «смех» (на материале произведений М.А. Булгакова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 23 с.; Бондаренко М.В. Градуальность как свойство лексики и основание для построения лексической парадигмы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2000. – 21 с.; Березницкая П.П. Типология и структура градуальных полей в русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2004. – 130 с.

²⁴ Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. Систем лексикология тезислари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. № 6. – 35-50 б.

²⁵ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003; Ширинова. Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009; Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.

берган. Ҳар бир луғавий турнинг ички даражаланиш кўламларини белгилаб берган. Жумладан, предметлик маъноларида даражаланишни нарса, ҳодиса, жой, вақт, вазн маъноли лексемалар даражаланиши ҳамда инсон тафаккури, шахс муносабатлари, ақлий, руҳий, жисмоний ва унинг натижалари акс этган лексемаларда даражаланиш каби турларга ажратган. Ёки белги-ҳолат англатувчи лексемалар доирасида табиий нарса-ҳодисаларга хос белги-ҳолатлар ҳамда шахс билан боғлиқ белгиларда даражаланиш турлари фарқланган²⁶. Аммо ишда, гарчи, градуонимия ва синонимиянинг ўзаро муносабати масаласига муносабат билдириб ўтилган бўлса-да, бу каби семантик қаторларнинг синонимик муносабати махсус ўрганилмаган.

Ш.Орифжонованинг “Ўзбек тилида луғавий градуонимия” деб номланган тадқиқотида ҳам градуонимиянинг моҳияти, унинг сўзлараро муносабатларнинг бир кўриниши эканлигини, луғавий даражаланишни ажратишнинг асосий омиллари (маъновий ва сўзлараро парадигматик муносабатлар омили), ёндош ҳодисаларга, жумладан, синонимия, гипонимияга муносабатини очиб берилган. Тадқиқот мавзуси луғавий градуонимия тадқиқига оид бўлса-да, ишда асосан сўз туркумлари – от, сифат, олмош, равиш, феъл, ундов ва тақлид сўзларда градуонимиянинг намоён бўлиши масаласи ўрганилган. Олима тадқиқот ишининг илова қисмида от, сифат, олмош, равиш, феъл, ундов ва тақлид сўзлардан ташкил топган градуонимик қаторларни қайд этган. Улардан 52 таси от туркумидаги, 73 таси сифат туркумига мансуб градуонимик қаторлардир²⁷. Аммо у ҳам кўрсатилган бу градуал қаторлардан қайсиси градуал синонимияга дахлдорлиги, градуал синонимиянинг ўзига хос жиҳатлари каби масалаларни махсус ўрганмаган.

Н.Ширинованинг “Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари” мавзуидаги тадқиқот ишида предметлик ва белги-хусусият маънолари фарқланишининг лексик, морфологик, синтактик усуллари; фарқланишни ҳосил қилувчи воситалар аниқланган. Ўз ўринда предметлик ёки белги-хусусият маъноларини англатувчи семантик қаторларда градуонимиянинг ҳосил бўлиши масаласига ҳам муносабат билдириб ўтилган²⁸. Аммо бу ишда ҳам предметлик ва белги-хусусият маънолари градуал синонимия доирасида ўрганилмаган.

Ж.Джумабаеванинг “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия” мавзуидаги тадқиқот ишида қардош бўлмаган турли тиллар – ўзбек ва инглиз тилларида градуонимиянинг ифодаланиши масаласи ўрганилган. Бу ишда ҳам градуонимия ва синонимиянинг ўзаро алоқаси, фарқи, стилистик имкониятлари каби масалаларга муносабат билдирилган, аммо синонимиянинг алоҳида тури сифатида градуал синонимия ҳодисаси айнан ўзбек тили материаллари мисолида алоҳида ўрганилмаган²⁹.

²⁶ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995. – 71-73 б.

²⁷ Орифжонова Ш. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 104-109.

²⁸ Ширинова. Н. Кўрсатилган тадқиқот. – 10-11 б.

²⁹ Джумабаева Ж. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 18.

Маълум бўладики, градуонимия ва синонимия бир-биридан фарқли мустақил лисоний ҳодисалардир. Градуонимияда моҳиятан турлича, баъзан бир моҳиятли нарса-предмет, белги, ҳаракат-ҳолат кабиларни англатувчи тил бирликлари микдорий ўсиб бориш белгисига кўра фарқланиб, бир қаторга тизилса; синонимияда бир объект ёки белги, ҳаракат-ҳолатни номловчи бирликлар умумий семантик белгисига кўра бир қаторга терилади. Аммо шунга қарамай, бу икки лисоний ҳодисани ўзаро туташтирувчи, муайян ўринларда бир-бирига тўқнаш келувчи жиҳатлар ҳам мавжуд.

Градуонимия ва синонимиянинг ўзаро туташган жиҳатлари градуал синонимияда кузатилади. Градуал синонимияда бу икки лисоний ҳодисага хос белгилар жамланади. Характерли жиҳати шундаки, синонимияда юз берган даражаланиш учинчи бир ҳодиса – антонимиянинг ҳам юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда фикр юритар экан, Б.А.Булгарова қуйидагиларни баён қилади: “Традицион даража шкаласининг шаклланишида градицион белгининг инобатга олиниши фарқлиликка асосланган муносабатларнинг қарама-қаршилик/зидланишларга ўтиш зонасини аниқлашга ёрдам беради. Бундай вазиятда синонимия ҳодисаси антонимияга ўтади. Сифатий белги ва баҳонинг бир-бирига зид даражаларининг ифодаланиши кучига боғлиқ тарзда кўриб ўтилаётган тил бирликлари кучли ва кучсиз антонимик жуфтликларни ҳосил қилади”³⁰.

Синонимик ва градуонимик луғавий парадигмалар маълум бир нуқталарда кесишса, тўқнашса ҳам, улар бир ҳодиса эмас. Синонимия, асосан, сўзнинг маъно таркибидаги ифода ва вазифа семалари орасидаги фарқларга таянса, градуонимик луғавий парадигмаларни ажратиш сўзларнинг денотатив семалари таркибидаги микдорий кўрсаткичлар билан алоқадор бўлган фарқларга асосланади. Шунинг учун градуонимик қатордаги ёндош сўзлар синонимик муносабатларга эга бўлади.

Диссертациянинг **«Предмет ифодаловчи лексемалар қаторида градуал синонимия»** деб номланган иккинчи бобида предмет ва предметлик тушунчасини ифодаловчи синонимик қаторларда градуонимиянинг намоён бўлиши ҳодисаси тадқиқ этилган.

Градуонимия семантик муносабатнинг бир кўриниши сифатида синонимик қатор таркибида ҳам юзага келади. Аммо бу ҳолат барча синонимик қаторларда кузатилавермайди. Градуонимиянинг синонимик қаторда юзага келишида семантик омил муҳим ўрин тутаяди. Синонимик қатор бирликларининг луғавий маъноларида семантик силжишларнинг рўй бериши градуонимияга йўл очади.

Синонимларга хос муҳим жиҳатлардан бири уларнинг маъновий тенг келиши бўлиб, бу хусусият уларнинг бири ўрнида иккинчисининг контекстуал қўлланишига имкониятни яратади. Градуонимик қатор бирликлари эса кўпинча кучли фарқли белгиларга эга бўлгани боис ўзаро

³⁰ Булгарова Б. А. Градуальная организация текстового семантического поля «смех» (на материале произведений М. А. Булгакова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 23 с.

алмашилиб қўлланавермайди. Бироқ баъзи градуонимик бирликларнинг фарқланиш белгиси ниҳоятда кучсиз бўлиб, уларда маъновий фарқлилиқ ёрқин кўзга ташланмайди. Бундай вазиятда градуонимик бирликлар ҳам нутқда ўзаро алмашилиб қўллана олади. Албатта, бундай вазиятда ҳам синонимик қаторни градуонимик қатордан фарқлаш лозим бўлади.

Тилшунос О.Бозоров ўз вақтида ушбу семантик ҳодисанинг синонимиянинг эмас, балки градуонимиянинг периферик (градуонимия ёки антонимиянинг синонимия ичига кириб бориши, туталиш) белгилари эканини қайд этган эди³¹.

Градуал синонимияда синонимик қатордаги барча лексемалар луғавий маъносига кўра умумий тушунчани англатса-да, даражаланишни кўрсатувчи фарқли белгисига эга бўлиши билан характерланади. Синонимик қатордаги ана шундай фарқланиш градуонимиянинг юзага келишига сабаб бўлади.

Тилшуносликда лексеманинг денотатив ва коннотатив семалари, уларнинг сўзлар орасидаги семантик муносабат кўринишларини белгилашдаги ўрни, хусусан, градуонимияда коннотатив маъноларнинг фарқловчилиқ хусусиятлари ҳақида маълумотлар мавжуд. О.Бозоровнинг фикрича, денотатив семалар ақл ёки тил тафаккури томонидан ҳосил қилинган мантиқий-семантик белгилар бўлиб, буларнинг яхлит тизими сўзнинг асосий маъносини шакллантиради. Коннотатив семалар эса денотатив маънога турли хил субъективлик (ижтимоийлик), услубийлик, эмоционаллик, экспрессивлик, тагмаънолик (пресуппозитивлик) каби кўринишларда ҳамроҳ бўлувчи қўшимча белгилардир³². Градуал синонимияни белгилашда ҳам лексемаларга хос денотатив ва коннотатив семалар муҳим роль ўйнайди.

«Ўзбек тили синонимларнинг изоҳли луғати»да предмет ифодаловчи лексемалардаги синонимик қаторлар сони 247 тани ташкил этади. Ушбу синонимик қаторлар таҳлилида улардан 71 тасида градуонимия ҳодисаси мавжудлиги аниқланди. Мазкур 71 та синонимик қатордаги лексемаларда аташ семаларининг айнанлиги, ифода (коннотатив) семаларининг эса фарқлилиги кузатилди. Масалан, *овора*, *сарсон*, *саргардон* синонимик қаторини таҳлил қилганимизда, бу қатордаги сўзларнинг аташ семаларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1. Ҳолат, 2. Жисмоний ҳолат, 3. Кезиш ҳолати, 4. Тентираш ҳолати. Ушбу аташ семалари юқоридаги синонимик қатордаги барча сўзлар учун умумийдир. Белгининг ортиқ-камлигига кўра ҳолатнинг меъёрдан ортиқлиги билан фарқланади, яъни *овора* лексемасида ҳолат меъёрда, *сарсон* лексемасида меъёрдан бир поғона ортиқ, *саргардон* лексемасида эса меъёрдан икки поғона ортиқдир. Демак, мазкур синонимик қатордаги аъзолар кучайиб бориш белгисига кўра градуонимия ҳодисасини ўзида шакллантиради.

³¹Бозоров О. Градуонимиянинг антонимия ва синонимияни шакллантиришдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. №2. – 62-64 б.

³² Бозоров О. Кўрсатилган асар. – 81 б.

Мазкур синонимик қаторда градуонимиянинг намоён бўлиши қуйидагича:

`тентиращ ҳолати` даражалари		
овора	сарсон	саргардон
1	2	3

(шакл иловада берилган)

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да нарс-буюм денотатли лексемаларни ифодаловчи синонимлар қаторининг сони 18 та. Кузатишлардан маълум бўлдики, айти 18 та нарс-буюм денотатли лексемалар синонимик қаторидан 9 тасида градуонимия юзага келган.

Синонимик қатордаги ўзаро семантик синонимларни ташкил этувчи икки ёки ундан ортиқ сўзнинг лексик маъносидаги ифода ҳажмига, прагматик семасига ва услубий томонларига кўра ўзаро фарқланади. Масалан, *буюм, нарс, мол, мато(х)* синонимик қатори прагматик семасига, *безак, зийнат, ҳашам* синонимик қатори ифода ҳажмига, *осмон, кўк, гардун; пул, ақча, муллажиринг, якан; совға, ҳадя, тортиқ; хат, нома, мактуб* синонимик қаторлари услубий томонлари билан ўзаро фарқланади. Бу синонимик қаторларда ниҳол → кўчат → дарахт; кулба → уй → ҳовли каби тўлиқ градуонимик ҳолат кузатилмаса-да, қисман мавжуд. Масалан, `рўзғорда керакли (қўлланадиган) предмет` семемасида: *буюм, нарс, мол, мато(х)* синонимик қаторини таҳлил қилганимизда, ушбу синонимлар қаторидаги лексемаларнинг эмоционаллик белгисига кўра ўзаро фарқланишини кузатишимиз мумкин. Мазкур синонимик қатордаги *нарс* лексемасида эмоционаллик белгисининг меъёрдалигини, яъни мўътадиллигини, *буюм* лексемасида меъёрдан ижобий муносабатга ўтишини, *мол* лексемасида эса эмоционаллик белгиси меъёрдан салбий муносабатга томон бир поғона ўтаётганлигини, *мато(х)* лексемасида эса белги меъёрдан салбий муносабатга икки поғонага кўтарилганлигини кўриш мумкин.

Демак, ушбу синонимик қатордаги лексемалар прагматик семасига кўра ўзаро фарқланиб, градуонимия ҳодисаси қуйидагича ифодаланади:

`керакли предметни ифодалаш белгиси` даражалари			
мат(х)	мол	нарс	буюм
-2	-1	0	+1

(шакл иловада берилган)

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да ҳодиса архисемаси остида 200 дан ортиқ синонимик қатор ташкил топади. Мазкур синонимлар қаторини белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодиса ва ўрин-жой ҳодисаси денотати бўйича гуруҳларга ажратиб, таҳлил қилинганда белги-хусусият ҳодисасини ифодаловчи синонимлар қаторининг 38 тасидан 14 таси, ҳаракат-ҳолат ҳодисаси бўйича синонимлар қаторининг 90 тасидан 29 таси, воқеа-ҳодиса денотатини ифодаловчи синонимлар қаторининг 30 тасидан 8 таси, ўрин-жой маъносини ифодаловчи синонимлар қаторининг 12 тасидан 2 таси дифференциал семалар асосида фарқланиб, градуонимияни ифоладаши аниқланди.

`Ходиса` архисемаси асосида шаклланган синонимик қаторда воқеа-ходиса денотатини ифодаловчи лексемалараро градуонимияни қуйидагича изоҳлаш мумкин. `Ҳаво оқимининг горизонтал йўналишидаги ҳаракати` семемасига эга *шамол, шабада, ел, сабо* СҚидаги лексемаларнинг интеграл семаси айнан бўлиб, дифференциал семаси асосида фарқланади. *Шамол* ва *ел* лексемаларида эсиш ҳаракатининг тезлиги меъёрда бўлса, *шабада* лексемасида эсиш ҳаракатининг тезлиги меъёрдан бир поғона кам бўлади. *Сабо* лексемасида эса меъёрдан икки поғона камдир. Агар мазкур синонимик қатор градуонимик қаторга айлантирилса, *бўрон, довул, тўфон* лексемаларини ҳам киритишимиз зарур. У ҳолда мазкур лексемаларда эсиш ҳаракатининг тезлиги меъёрдан анча ортиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Тилшунос Д. В. Ваққосова ҳаракат асосида даражаланиш қаторини шабада → шамол → бўрон → довул деб ажратади. *Шабада* лексемаси *шамол* лексемаси билан қиёсланганда, улар қатор семалари `табиат ҳодисаси`, `ҳаракатланувчи`, `эсиш` кабилар билан юзага чиқувчи белги асосидаги сема орқали фарқланишини таъкидлайди³³.

Шахс денотатли лексемалар синонимик қатори «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да 59 тани ташкил этади. Шу 59 та шахс денотатли лексемаларнинг 15 таси интеграл семалари билан айнанликни, дифференциал семалари билан эса фарқлилиқни ҳосил қилади.

